

Ҳеч кимга қўл ва тил билан озор бермаслик | Йигирма биринчи ҳақ



13:36 / 17.09.2025 923

Ҳеч кимга қўл ва тил билан озор бермаслик. Муслмон ўз номига муносиб равишда ҳар қандай озор беришдан сақланмоғи лозим.

Унинг на тилидан ва на қўлидан кўнгилни хира қиладиган иш содир бўлмаслиги қандай ҳам гўзал ишдир. Бу хусусда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Муслмон – муслмонлар унинг тилидан ва қўлидан озор топмаган кишидир”**, деганлар.

Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мўмин одамлар мол ва жонлар борасида (ундан) хотиржам бўлган, муҳожир эса хато ва гуноҳларни тарк этган кишидир”**, деганлар.

“...Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, менга манфаат берадиган бир нарса ўргатинг”, дедим. (У зот:): **“Муслмонлар (қатнов) йўлидан озор берадиган (тош, чўп, тикан, нажосат, ўлимтик ва шу каби) нарсаларни четлатишдир”**, дедилар”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: (Исломда ўзи) зарар кўриш ҳам, (бошқага жавоб тариқасида) зарар бериш ҳам йўқ”, дедилар”. Ушбу ҳадис оз бўлсин ёки кўп бўлсин, ҳар қанча зарар бериш мумкин эмаслигига далолат қилиб турибди.

**Абдулҳамид Зайриевнинг “Мусулмоннинг ҳақ ва вазифалари”
китобидан**

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 январдаги 03-07/184-сонли хулоса хати асосида тайёрланди.